



2019 йил 20 июль

№ 283/5-42

Термиз шаҳри

**Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг тиббиёт муассасалари фаолиятининг самарадорлигини ошириш юзасидан ҳисоботи тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг бирламчи тиббий-санитария, шошилиш ва тез тиббий ҳамда ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни янада такомиллаштиришга қаратилган қарорлари ижроси бўйича вилоятда аҳолига кўрсатилаётган тиббий-санитария ёрдами сифати ва самарадорлигини ошириш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, уларнинг кадрлар таъминотини яхшилаш, санитария-эпидемиологик барқарорликни таъминлаш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи ва соғлом овқатланиш маданиятини тарғиб қилиш борасида ишларни янада жадаллаштириш мақсадида халқ депутатлари вилоят Кенгаши **қарор қилади:**

1. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Б.Т.Шукуровнинг тиббиёт муассасалари фаолиятининг самарадорлигини ошириш тўғрисидаги ҳисоботи маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Барча туман ҳокимларига:

жорий йилнинг 1 сентябрига қадар ҳар бир туманда иккитадан намунали қишлоқ оилавий поликлиникасини яратиш мақсадида реконструкция қилиш ҳамда мазкур қишлоқ оилавий поликлиникаларни ва биттадан кўп тармоқли марказий поликлиникаларни шифокор қабулига онлайн ёзилиш автоматлаштирилган ахборот тизимини ташкил этиш учун маҳаллий бюджет маблағларидан ажратилишини таъминлансин.

3. Денов тумани (Б.Ибатов), Ангор тумани (У.Турапов), Қизирик тумани (О.Мухаммадиев), Музработ тумани (Э.Алимов), Термиз шаҳар (И.Худойбердиев)ларга:

“Саломатлик-3” лойиҳаси доирасида келтирилаётган рентген диагностика аппаратлари ўрнатиладиган хоналарни бир ой муддатда тайёр ҳолатга келтириш учун зарурий маблағларни ажратилсин.

4. Денов тумани (Б.Ибатов)га:

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг марказлашган маблағлари ҳисобига харид қилиниши режалаштирилган МРТ, ангиограф ва гемодиализ

аппаратлари ўрнатиш учун икки ой муддатда хоналар ажратиш ва санитария меъёр ва қоидалари асосида тайёрлаш.

5. Вилоят молия бош бошқармаси (Б.Худойбергенов)га:

вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказига ўрнатилиши режалаштирилган МРТ аппарати ўрнатиладиган хоналарнинг тайёргарлиги учун зарурий маблағлар ажратилишини таъминласин.

6. Вилоят ДСЭНМ бош врачлари А.Мустановга:

юқори технологияли тиббий аппаратуралар ўрнатиладиган хоналарнинг санитария меъёр ва қоидалари асосида таъмирланишини қаттиқ назоратга олсин.

7. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси (Б.Шукуров)га, Денов, Музработ, Қизириқ, Ангор туманлари ҳамда Термиз шаҳар ҳокимлари билан биргаликда **15 кун муддатда:**

жаҳон банки кредитлари ҳисобидан жорий йилнинг 2-ярим йиллигида 6 дона (Денов туманига 2 дона, Қизириқ, Музработ, Термиз шаҳар ва Ангор туманларига 1 донадан) юқори технологияли рентген диагностика аппарати келтирилиши режалаштирилганлиги муносабати билан ҳозирги кунга қадар таъмирланиш яқунланмаган Қизириқ, Термиз шаҳар ва Музработ туманлари, таъмирлаш ишлари бошланмаган Ангор ва Денов туманларидаги таъмирлаш ишларини яқунга етказиш;

Германиянинг КФБ банки маблағлари ҳисобига 2,5 теслолик МРТ ва 500 литрли автоклав аппарати келтирилиши муносабати билан тайёргарлик ишларини яқунга етказиш;

Денов тумани тиббиёт бирлашмасига МРТ, вилоят кардиология маркази ангиограф каби юқори технологияли аппаратуралар келтирилиши муносабати билан тиббий аппаратурани жойлаштириш хоналарини банк талабларига мос равишда тайёрлаш вазифаси юклатилсин.

8. Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари доимий комиссияси (Ф.Шарипов) ҳар ойда бир марта Ўзбекистон Республикаси Президентининг тиббиётни ислоҳ қилишга доир Фармон ва қарорлари ижроси бўйича соҳа раҳбарларининг ҳисоботларини доимий комиссия йиғилишларида эшитиб борсин.

9. Халқ депутатлари шаҳар ва туманлар Кенгашларига ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президентининг тиббиётни ислоҳ қилишга доир Фармон ва қарорлари ижросини муҳокама қилиб бориш тавсия этилсин.

10. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси (Б.Шукуров)га:

аҳоли, биринчи навбатда фертил ёшидаги аёллар ва ҳомиладор аёллар, болалар, шунингдек, ўзгалар ёрдами ва ижтимоий ҳимояга муҳтож ёлғиз кексалар, ногиронлар, сурункали касалликларга чалинган беморлар орасида патронаж ишларини янада кучайтириш;

аҳоли ўртасида соғлом авлодни тарбиялаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббий этика ва деонтология, санитария-гигиена кўникмалари, оқилона овқатланиш қоидаларига риоя этиш, туғма патология ва ирсий касалликларни камайтиришга йўналтирилган профилактика тадбирларини ташкил этиш ва амалга ошириш;

миллий календарга биноан профилактика эмлашларини ўтказиш йўли билан инфекцияларни бартараф этиш ва уларнинг асоратларини профилактика қилиш;

юқумли бўлмаган касалликларга чалиниш хавфининг омилларини барвақт аниқлаш механизмларини жорий этиш йўли билан аҳоли ўртасида касалликка чалиниш, ногиронлик ва барвақт ўлимни профилактика қилиш;

болалар, ўртасида юқумли касалликларнинг олдини олиш, фуқароларнинг тиббий маданиятини ошириш юзасидан тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш;

қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникалар мудирлари ўзлари бириктирилган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари аҳолиси олдида ҳар ойда, туман тиббиёт бирлашмалари раҳбарлари ва шаҳар марказий кўп тармоқли поликлиникалари мудирлари - халқ депутатлари туман (шаҳар)лар Кенгашлари сессияларида ҳар чоракда ҳисобот беришини таъминлаш бўйича зарур чораларни кўриш;

вилоятдаги тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини кучайтириш, малакали кадрлар ва зарур дори-дармон билан таъминланиш даражасини яхшилаш чораларини кўриш топширилсин.

11. Вилоят давлат санитария эпидемиология назорат маркази (А.Мустанов)га юқумли касалликлар, захарланишларни олдини олиш мақсадида санитария-гигиена ва эпидемияга қарши тадбирлар, бириктирилган участка ва уй хўжаликларини санитария жиҳатидан хотиржамлигини таъминлашда умумий назоратни амалга ошириш, юқумли касалликлар ўчоқларида тегишли тадбирларини ўтказиш, аҳолини хавфли эпидемик вазият тўғрисида олдиндан огоҳлантириш вазифаси юклатилсин.

12. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи вилоят Кенгаши (Р.Авазов)га:

аҳолига тиббий хизмат кўрсатаётган қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникалар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш;

ҳудуд аҳолисига тиббий хизмат кўрсатаётган қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникалар раҳбарларининг ахборотини тегишли фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўшма йиғилишларида ҳар ойда эшитиб бориш ва тегишли қарорлар қабул қилиш топширилсин.

13. Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари доимий комиссияси (Ф.Шарипов)га:

аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, дори воситалари таъминоти ҳамда бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини яхшилаш борасида олиб борилаётган фаолият устидан назоратни кучайтириш;

тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, дори воситалари таъминоти ҳамда бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига доир муаммоларни ҳал этишда комиссия имкониятларидан кенг фойдаланиш тавсия этилсин.

14. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг депутатларига ўзлари сайланган ҳудудда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш, дори воситалари таъминоти ҳамда бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини доимий мониторинг қилиб бориш, оилавий поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктлари мудирларининг ҳисоботларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида эшитиш жараёнларида фаол иштирок этиш топширилсин.

12. Вилоят телерадиокомпанияси (Б.Мингбоев), “Сурхон тонги” ва “Заря Сурхана” газеталари таҳририяти (Р.Рахимова)га юртимизда тиббиётни ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган тадбирларни кенг ёритиш мақсадида давра суҳбатлари ва тўғридан-тўғри мулоқотлар ташкил этиш тавсия этилсин.

15. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари доимий комиссияси раиси Ф.Шарипов ва вилоят ҳокимининг ўринбосари Р.Чориев зиммаларига юклансин.

16. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

Сессия раиси



А.Артиков